

**Сарвар Махмудов**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*

*Давлат бошқаруви академияси докторанти*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА СОЛИҚЛАРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАГИ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолати ва давлат бюджетидида солиқларнинг ўрнини тадқиқ қилишда турли иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва муносабатлари ўрганилган. Мазкур жараёнда сўнгги йилларда давлат бюджетидидаги солиқли даромадлар, давлат бюджетидида солиқли даромадлар прогнози ҳамда мамлакатимиздаги солиқ сиёсатидидаги бўлаётган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Амалга оширилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолати ва давлат бюджетидида солиқларнинг ўрнини ўрганиш бўйича тегишли хулосалар ва тавсиялар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** солиқ, солиқ сиёсати, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ставкалари, солиқ юки, давлат бюджети, давлат бюджети даромадлари.

## **THE CURRENT STATE OF TAX POLICY IN UZBEKISTAN AND THE ROLE OF TAXES IN THE STATE BUDGET**

**Abstract.** The opinions and attitudes of various economists are studied while researching the current state of tax policy in Uzbekistan and the role of taxes in the state budget. In this process, the tax revenues in the state budget, the forecast of tax revenues in the state budget and the changes in the tax policy in our country are analyzed in recent years. On the basis of the conducted research, relevant conclusions and recommendations are formed on the study of the current state of tax policy in Uzbekistan and the place of taxes in the state budget.

**Keywords:** tax, tax policy, business entities, tax rates, tax burden, state budget, state budget revenues.

## **Кириш**

Иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда ҳукумат томонидан амалга ошириладиган солиқ сиёсати ҳам муҳим восита ҳисобланади. Бунда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ва тизимли преференцияларни яратиш ҳамда қўлланиладиган солиқ ставкаларини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, давлат ўз функцияларини бажаришда давлат бюджети маблағларидан фойдаланиши ҳамда давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар орқали шаклланишини инобатга олган ҳолда мамлакатда солиқ сиёсатининг самарали ташкил этилиши нақадар муҳим эканлигини айтиш лозим. Солиқ сиёсатини самарали ташкил этишда солиқ юкининг юқорилиги, бюджет тушумида солиқларнинг юқори улушга эга эканлиги, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг тез-тез учраши каби масалаларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимиздаги солиқ сиёсати ва солиқларнинг бюджет даромадларидаги ўрнини тадқиқ қилиш долзарблик касб этади.

## **Адабиётлар шарҳи**

Йиллар давомида кўплаб тадқиқотчилар томонидан мамлакатлар солиқ сиёсати ҳамда солиқларнинг бюджет даромадларидаги ўрни тадқиқ қилиб келинмоқда. Хусусан, Й.Лиу ва Ж.Ге фикрича, “барча даражадаги миллий ва маҳаллий ҳукуматлар табиий ресурсларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган экологик муаммоларни енгиллаштириш учун тегишли экологик солиқларни белгилайди ва солиқ сиёсатини амалга оширади” [1].

Г.Лакс-Мартинез ва бошқалар томонидан солиқ юки билан боғлиқ жиҳатлар тадқиқ қилинган. Уларга кўра, “солиқ юкини ошириш ижтимоий тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу билан бирга, солиқ тушумлари давлат салоҳиятини ошириши мумкин, бу эса ўз навбатида сиёсий барқарорликни таъминлайди. Солиқ ва фискал сиёсат давлатнинг

асосий вазифаларидан ҳисобланади. Уларнинг қандай даражада ташкил этилиши сиёсий барқарорликка ҳам таъсир кўрсатиши мумкин” [2].

Бир гуруҳ олимлар томонидан солиқларнинг атроф-муҳит ва экологияни асрашга ижобий таъсири бўйича изланишлар олиб борилган. “Экологик солиқни амалга ошириш иқтисодиётга турли хил таъсир кўрсатади. Яшил солиққа тортиш экологик тоза иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради ва атроф-муҳитга зарар етказувчи фаолиятни тўхтатади. Солиққа тортишнинг тенглик, иқтисодий самарадорлик ва амалга ошириш имкониятини ўз ичига олган тамойилларига риоя қилиниши зарур. Шунингдек, солиққа тортишнинг атроф-муҳитга таъсири ҳисобга олиниши керак” [3].

Ф.Делгадо ва бошқалар томонидан солиққа тортишда бевосита ва билвосита солиқларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. “Сўнгги бир неча ўн йилликларда солиққа тортишдаги устуворлик бевосита солиқлардан билвосита солиқларга ўтди. Шунингдек, ҳозирдаги ва келажакдаги солиққа тортишда экологик солиқлар муҳим роль ўйнашини таъкидлаш лозим. Солиққа тортиш экологик сиёсат воситаси бўлиб, янада самарали солиқ тизимларини шакллантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳукуматлар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган фаолиятларни солиққа тортади” [4].

В.Танзи ва Ҳ.Зее таъкидлашларича, “халқаро иқтисодиётга интеграциялашувни истаган ривожланаётган мамлакатлар учун самарали ва адолатли солиқ тизимини яратиш оддий иш эмас. Бу мамлакатлардаги идеал солиқ тизими давлатдан ортиқча қарз олмасдан асосий даромадларни ошириши ва буни иқтисодий фаолиятни тўхтатмасдан ҳамда бошқа мамлакатлардаги солиқ тизимларига мослаштирган ҳолда амалга ошириши керак” [5].

Д.Имомниёзов фикрича, “иқтисодий фаолият ривожлангани сари миллий чегараларни кесиб ўтиб, трансчегавравий фаолиятга айланади, халқаро миқёсда иш юрита бошлайди. Солиққа тортиш ваколати эса давлатга тегишли, яъни давлат юрисдикциясидан четга чиқа олмайди. Ушбу

номувофикликдан келиб чиқадиган муаммолардан бири бу иккиёқлама солиққа тортишдир.

Оддийроқ қилиб айтганда, солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган давлат (солиқ резиденти) ва солиқ тўловчи даромад олган, яъни солиқ манбаи бўлган давлатлар ўртасида солиққа тортиш юрисдикциясининг такрорланишидан келиб чиқади. Агар иккала давлат ҳам солиққа тортиш бўйича ўз кучларини тўлиқ ишга солсалар, унда халқаро инвестициялар учун солиқ юки миллий инвестицияларга нисбатан анча юқори кўрсаткични қайд этади. Бунинг олдини олиш учун ҳукуматлар икки барабар солиққа тортилмаслик чораларини кўради” [6].

А.Ваҳобов ва А.Жўраевлар таъкидлашича, “солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга” [7].

Н.Қудбиев ва З.Ахмадалиевларга кўра. “солиққа тортишни мақбуллаштириш мақсадини мустақил амалга ошириш (корпоратив солиқ менежменти тизимида) корхонада солиқ таҳлилини ўтказишни тақозо этади. Бу жараён иқтисодий субъектда солиқ юкини баҳолаш билан бошланиши керак. Илмий адабиётларда корхоналар миқёсида солиқ юкини аниқлашнинг бир неча методлари учрайди. Уларнинг бир-биридан фарқи солиқ юкини ҳисоблашда киритиладиган солиқларнинг сони ёки улардан фойдаланилишида, шунингдек, солиқ суммалари билан ўзаро муносабатда интеграл кўрсаткичларнинг аниқланишида намоён бўлади” [8].

Юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, солиқ сиёсати ва давлат бюджети даромадларида солиқларнинг ўрнини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолати ва давлат бюджетида солиқларнинг ўрнини тадқиқ қилишда илмий абстракциялаш, анализ, синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар

Тадбиркорлик субъектлари бўйича ислохотларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда улар учун имтиёзлар ва преференцияларни тизимлаштиришга ёрдам бериши билан бир қаторда давлат бюджетида солиқли даромадларнинг ошишига хизмат қилади. 1-жадвалда 2021-2022 йилларда бюджет тушумлар кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, мазкур йилларда давлат бюджетида солиқли даромадларнинг ўзгариши акс этган.


#### 1-жадвал

#### 2021-2022 йилларда бюджет тушумлари кўрсаткичлари (млрд. сўм) [9]

| №                                  | Солиқ турлари                             | 2021 йил 31<br>декабрь<br>ҳолатига | 2022 йил 31<br>декабрь<br>ҳолатига | Улуши<br>(фоизда) | Ўсиш<br>суръати |
|------------------------------------|-------------------------------------------|------------------------------------|------------------------------------|-------------------|-----------------|
| <b>Бюджетга тушумлар,<br/>жами</b> |                                           | <b>127 970</b>                     | <b>148 388</b>                     | <b>100,0</b>      | <b>116,0</b>    |
| 1                                  | Бевосита солиқлар                         | 57 281                             | 61 934                             | 41,7              | 108,1           |
| 2                                  | Билвосита<br>солиқлар                     | 38 351                             | 45 889                             | 30,9              | 119,7           |
| 3                                  | Ресурс тўловлари<br>ва мол-мулк<br>солиғи | 23 036                             | 23 913                             | 16,1              | 103,8           |
| 4                                  | Давлат божи ва<br>жарималар               | 3 333                              | 4 236                              | 2,9               | 127,1           |
| 5                                  | Бошқа солиқлар ва<br>йиғимлар             | 5 969                              | 12 416                             | 8,4               | 208,0           |


1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2022 йилда давлат бюджетида бевосита солиқлар 61 934 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 8,1 фоизга ошган. 2022 йилда билвосита солиқлар аввалги йилга нисбатан 19,7 фоизга, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 3,8 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин. Бевосита солиқлар, билвосита солиқлар ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг давлат бюджети тушумларидаги жами улуши 2021 йилда 92,7 фоизни ҳамда 2022 йилда 88,7 фоизни ташкил

этган. Давлат бюджетидаги солиқли даромадлар улуши 2021 йилга нисбатан 2022 йилда пасайган бўлсада, умумий ҳолатда солиқли даромадлар ўзининг катта улушини йиллар давомида сақлаб келмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда фискал сиёсатни шакллантиришда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, солиқ сиёсатини самарали ташкил этиш, солиқ юкини камайтириш каби масалалар эътибор марказида бўлиши зарур.



**1-расм. Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари[10]**

Миллий амалиётимизда сўнгги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда, асосан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 2023 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-21-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари белгиланган (1-расм).



**2-расм. Солиқ турлари бўйича бюджет тушумлари таҳлили(млрд. сўм)[10]**

2-расмда солиқ турлари бўйича 2021-2022 йилларда бюджет тушумлари таҳлил қилинган. Солиқ турлари бўйича бюджет тушумларида 2021-2022 йилларда энг катта улуш юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан тушумларга тўғри келган бўлса, энг кичик улуш мол-мулк солиғи

кўрсаткичларига тегишли бўлган. 2022 йилда аввалги йилга нисбатан кескин ўсиш қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларда кузатилган.

**2-жадвал**

**2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари  
прогнози (млрд. сўм) [11]**

| №         | Кўрсаткичлар                                             | Сумма            |
|-----------|----------------------------------------------------------|------------------|
|           | <b>Жами</b>                                              | <b>232 607,1</b> |
| <b>1.</b> | <b>Бевосита солиқлар</b>                                 | <b>73 955,9</b>  |
| 1.1.      | Фойда солиғи шу жумладан:                                | 42 848,3         |
|           | “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти   | 11 252,6         |
|           | “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  | 5 265,5          |
| 1.2.      | Айланмадан олинadиган солиқ                              | 2 811,7          |
| 1.3.      | Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи            | 28 295,8         |
| <b>2.</b> | <b>Билвосита солиқлар</b>                                | <b>88 411,3</b>  |
| 2.1.      | Қўшилган қиймат солиғи                                   | 63 775,4         |
| 2.2.      | Аксиз солиғи шу жумладан:                                | 17 883,9         |
|           | алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво                  | 2 339,0          |
|           | тамаки маҳсулотлари                                      | 2 439,4          |
|           | мобиль алоқа хизмати учун аксиз солиғи                   | 1 003,3          |
| 2.3.      | Божхона божи                                             | 6 752,0          |
| <b>3.</b> | <b>Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи</b>               | <b>26 473,2</b>  |
| 3.1.      | Мол-мулк солиғи                                          | 4 332,6          |
| 3.2.      | Ер солиғи                                                | 5 805,5          |
| 3.3.      | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ шу жумладан:       | 15 535,6         |
|           |                                                          |                  |
|           | норуда қурилиш материаллари бўйича                       | 755,5            |
| 3.4.      | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ              | 799,5            |
| <b>4.</b> | <b>Дивидендлар</b>                                       | <b>29 532,2</b>  |
|           | шу жумладан:                                             |                  |
|           |                                                          |                  |
|           | “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти   | 16 050,4         |
|           | “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  | 9 481,7          |
| <b>5.</b> | <b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b> | <b>14 234,6</b>  |

2-жадвалда 2023 йил учун давлат бюджети даромадлари прогнози келтирилган акс этган бўлиб, давлат бюджети даромадлари жами 232 607,1 млрд. сўм режалаштирилган. Бунда бевосита солиқлардан 73 955,9 млрд. сўм, билвосита солиқлардан 88 411,3 млрд. сўм ҳамда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғидан 26 473,2 млрд. сўм тушум бўлиши прогноз қилинган ҳамда мазкур тушумларнинг барчаси 2022 йилга нисбатан ўсиши кутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат сифатида шуни таъкидлаш лозимки, фойда солиғи бўйича тушумларнинг 40 фоиздан ортиғи “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖга тўғри келиши прогноз қилинган.

### **Хулоса**

Ўзбекистонда солиқ сиёсати ва бюджет тушумида солиқларнинг ўрнини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш лозим.

Биринчидан, мамлакатда солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ юкига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки солиқ юкининг меъёрдан паст бўлиши давлат бюджети шаклланишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда мазкур ҳолат давлатнинг ўз функцияларини тўлиқ бажаришига тўсқинлик қилади. Солиқ юкининг кескин юқори бўлиши эса ижтимоий норозиликка сабаб бўлиши ҳамда жамиятнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчидан, солиқ сиёсатини ташкил этишда солиқ тўловчиларнинг атроф-муҳит ва экологияга таъсир даражасини инобатга олиш лозим. Чунки бугунги кунда дунё бўйлаб атроф-муҳит ва экологияни асраб-авайлашга қаратилган тенденция мавжуд. Бундай ҳолатда давлат томонидан атроф-муҳитни ва экологияни асраш ҳамда тадбиркорларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида солиқлар билан боғлиқ чора-тадбирлар қўлланиши лозим. Бу орқали тадбиркорларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш имкониятлари пайдо бўлади.

Учинчидан, мамлакатимиз давлат бюджетида солиқли даромадларнинг ҳиссаси юқори эканлиги сабабли солиқ тўловлари ва уларнинг таркибига эътиборни кучайтириш лозим. Чунки ҳаддан ортиқ солиқ турларининг қўп

бўлиши ҳамда солиқ юкини ошириши ҳисобига тадбиркорлик субъектларининг фойдаси камаяди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари сони қисқариши ва солиқ солинадиган базанинг камайиши юзага келиши мумкин. Бу эса давлат бюджети даромадлари қисқаришига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Yaxin Liu, Jianping Ge. What kind of environmental fiscal and taxation policies can support green production of ionic rare earths? A computable general equilibrium analysis. // The Extractive Industries and Society Available online 27 December 2022.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S2214790X22001800>

2. Gema Lax-Martinez, Dominic Rohner, Alessandro Sai. Threat of taxation, stagnation and social unrest: Evidence from 19th century sicily. // Journal of Economic Behavior & Organization, Volume 202, October 2022, Pages 361-371. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0167268122002815>

3. Tii N. Nchofoung, Hervé Kaffo Fotio, Clovis Wendji Miamo. Green taxation and renewable energy technologies adoption: A global evidence. // Renewable Energy Focus, Volume 44, March 2023, Pages 334-343. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S175500842300011X>

4. Francisco J. Delgado, Jaume Freire-González, Maria J. Presno. Environmental taxation in the European Union: Are there common trends? // Economic Analysis and Policy, Volume 73, March 2022, Pages 670-682.

5. Vito Tanzi, Howell Zee. Tax Policy for Developing Countries. // ECONOMIC ISSUES, № 27, March 2001. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/issues/issues27/>

6. Имомниёзов. Иккиёқлама солиққа тортмаслик принципининг аҳамияти.// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, VOLUME 1 | ISSUE 10. November 2021.

7. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш. // Дарслик, Т.: - Шарқ, 2009. – 448 б.

8. Н.Қудбиев, З.Ахмадалиева, Д.Нўмонов. Солиқ юкининг бизнес учун аҳамияти.// Scientific Progress, Volume 3, Issue 3, 2022. – 10 б.

9. <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar> -Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-21-сон Фармони. 10.02.2023.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон Қарори.30.12.2022. <https://lex.uz/docs/-6333357>